

**«Дастурий маҳсулотлар ва ахборот  
технологиялари технологик парки  
дирекцияси» масъулияти чекланган  
жамияти Ягона иштирокчининг  
2020 йил «30» ноябрдаги  
5-сон қарори билан  
«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»**

**Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари  
парки резидентининг фаолиятига доир шартлар бўйича  
ШАРТНОМА**

Тошкент ш.

Кейинги ўринларда “Дирекция” деб аталувчи “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки дирекцияси” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Ибрагимов Ф.З. бир томондан, кейинги ўринларда “Резидент” деб аталувчи юридик шахс иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## **1. Асосий тушунчалар**

1.1. Ушбу Шартномада қуйидаги терминлар ва тушунчалар ишлатилади:

**бизнес-режа** — компания, товар, уни ишлаб чиқариш, кўрсатиладиган хизматлар, маҳсулот сотиладиган потенциал бозорлар, маркетинг стратегияси, операцияларни амалга оширишни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган режа, компаниянинг ҳаракатлари, бизнес-операцияларни амалга ошириш дастури;

**веб-портал** – Технопарк резиденти мақомини олиш учун юридик шахслардан хужжатлар қабул қилиш, Дирекция ва унинг резидентлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, улардан ҳисоботлар, хулосалар, бизнес-режалар ва бошқаларни қабул қилиш учун мўлжалланган Дирекциянинг расмий веб-сайтидаги бўлими.

**Резидентларнинг ягона реестри** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 589-сон қарори билан тасдиқланган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомга (кейинги ўринларда – Низом) мувофиқ Технопаркда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар рўйхати мавжуд бўлган очиқ ва умумфойдаланиладиган ахборот ресурси;

**Фармон** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон Фармони;

**Технопаркнинг резиденти** – белгиланган тартибда Технопаркда рўйхатдан ўтказилган ва Резидентларнинг ягона реестрига киритилган юридик шахс;

**Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда – Технопарк)** – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик принципи асосида ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг максимал даражада қулай шароитларини яратиш учун республиканинг бутун ҳудудида Технопарк резидентларини жойлаштирган ҳолда ишлайдиган ташкилот;

**Эксперт кенгаши** – Дирекция ҳузурида резидент мақомини олиш учун ариза берган юридик шахслар ва резидентларнинг бизнес-режаларини таҳлил қилиш мақсадида вазирликлар ва идоралар, илмий муассасалар, олий таълим муассасалари малакали мутахассислари ва бошқа мутахассислардан ташкил этиладиган орган.

## **2. Шартнома предмети**

2.1. Ушбу Шартнома қуйидагиларни белгилайди:

- резидент фаолиятининг шартлари, унинг Технопарк резиденти сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- Дирекциянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- ушбу Шартнома доирасида Томонларнинг ўзаро муносабатлари.

## **3. Резидентнинг ҳуқуқлари**

3.1. Резидент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1.1. ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амалга ошириш;

3.1.2. рўйхатга мувофиқ ўз фаолиятининг асосий йўналишларини мустақил равишда белгилаш;

3.1.3. Низомга мувофиқ тасдиқланган Технопарк резидентлари томонидан амалга оширишга руҳсат этилган фаолият турлари рўйхатига (кейинги ўринларда – Рўйхат) биноан фаолият турларини амалга оширишда, товар ва хизматларни реализация қилишдан, шунингдек, роялти, биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан ва курсдаги ижобий фарқдан олинган даромадларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

3.1.4. “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг резиденти” ёки “IT-паркнинг резиденти” белгисидан фойдаланиш шarti билан Технопаркнинг савдо белгисидан ёки хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланиш, шу жумладан, уни фирма бланкаларига, фирма вивескаларига, ташриф қоғозларига, реклама материалларига қўйиш;

3.1.5. Технопарк резиденти сифатида фаолият доирасида амалга ошириладиган бизнес-режага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича иқтисодий асосланган таклифларни веб-портал орқали Дирекцияга кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

3.1.6. товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан тушумлар доирасида чет эл мутахассисларига иш ҳақини чет эл валютасида нақдсиз шаклда хорижда очилган халқаро тўлов карталарига амалга ошириш;

3.1.7. экспорт контракти мавжуд бўлмаган ҳолда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги онлайн дўконлар орқали ишлар ва хизматлар экспортини чет эл валютасида амалга ошириш;

3.1.8. Технопарк резидентлари экспорт қилинадиган хизматлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шакллари кўллаш;

3.1.9. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;

3.1.10. Ушбу Шартноманинг 8.2-бандида белгиланган тартибда Технопарк резиденти мақомидан воз кечиш.

#### **4. Резидентнинг мажбуриятлари**

4.1. Технопарк резиденти:

4.1.1. фақат рўйхатдаги фаолият турларига асосланган бизнес-режада кўрсатиб ўтилган фаолият турларини амалга ошириши;

4.1.2. ушбу Шартномага амал қилиши;

4.1.3. ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасигача, Дирекция томонидан тасдиқланган шаклга кўра ўз фаолияти тўғрисида, жумладан, статистик ва солиқ ҳисоботи нусхаларини Дирекциянинг веб-портали орқали тақдим этиши;

4.1.4. ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-қунидан кечикмай Дирекциянинг талаб қилиб олиннадиган депозит ҳисобварағига жами даромаднинг бир фоизи миқдорида ажратма ўтказиши;

4.1.5. ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июлигача молия-хўжалик фаолияти мажбурий аудитини ўтказиш ва махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ҳамда аудиторлик хулосасининг нусхасини веб-портал орқали Дирекцияга юбориши шарт. Бунда махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботида юридик шахснинг ҳақиқатда амалга оширган фаолияти, рўйхатда белгиланган фаолият турларига мувофиқлиги масалалари ҳамда молиявий йил давомида амалга оширилган фаолият турлари ва уларни амалга ошириш натижасида олинган жами даромаддаги улуши ҳисобга олиниши шарт. Аудиторлик хулосасида эса, олинган тушум ва юридик шахснинг ҳақиқатда амалга оширган фаолияти рўйхатда белгиланган фаолият турларига мувофиқлиги кўрсатилиши;

4.1.6. ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15-санасигача, Дирекцияга ахборот технологиялари бўйича ўтказилган ўқув курслари ҳақида маълумот бериши ҳамда ўқув курслари ташкил этилган тақдирда ушбу курслар доирасида ўқув дастурини келишиши;

4.1.7. тақдим этилган бизнес-режада кўрсатиб ўтилмаган янги фаолият турларини Дирекция томонидан янги (кўшимча) бизнес-режа тасдиқлангандан кейин амалга ошириши;

4.1.8. ўзгартирилган шаклда қайта ташкил этилганда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгарганда, резидентнинг таъсис ҳужжатларига киритилган

Ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчаларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганда, резидент ташкилотнинг номининг, шунингдек, унинг юридик ва/ёки ҳақиқий манзилининг, банк реквизитларининг ўзгариши кунидан бошлаб, ўн иш куни ичида, бу ҳақда, Резидентларнинг ягона реестрига ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, Технопарк резидентининг фаолияти шартлари бўйича қўшимча шартнома тузиш учун, буюртма хатлар орқали ёки қабул қилувчига, хабарномани топширилганлигини аниқлашга имкон берадиган бошқа мавжуд алоқа воситалари орқали, ёзма билдиришнома юбориш ёрдамида, тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиш билан Дирекцияни хабардор қилиши;

4.1.9. Фармонга мувофиқ, божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинган, фақат ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналарни, бутловчи қисмларни, эҳтиёт қисмларни, буловчи қисмларни, деталларни, узелларни, технологик ҳужжатларни, дастурий таъминотни, шунингдек бошқа товарларни ишлатиши шарт.

4.2. Агар ҳисобот ойида ушбу Шартноманинг 4.1.4-бандида кўрсатилган даромад мавжуд бўлмаса, Резидент ҳисобот даврида кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, ҳисобот даврида даромад мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотни Дирекцияга тақдим этади. Шу билан бирга, Резидент томонидан 4.1.4-бандида назарда тутилган ажратмаларни тўламаслик кетма-кет 6 ойдан ошмаслиги керак.

4.3. Резидент Дирекцияга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 29-моддасига мувофиқ, ўзининг солиқ ҳисоботлари нусхаларини, солиқ органларидан олиш ҳуқуқини беради.

4.5. Резидент қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

## **5. Дирекциянинг ҳуқуқлари**

5.1. Дирекция қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Резидентдан унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотни, шу жумладан статистика ва солиқ ҳисоботларининг нусхаларини сўраш;

5.1.2. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Резидент томонидан имтиёзларни қўллаш ва ушбу Шартнома шартларини бажариш бўйича резидент томонидан амалга оширилаётган фаолиятни таҳлил қилиш;

5.1.3. Резидентнинг маҳсулотлари, дастурлари, бошқа ишланмалари ва ютуқлари ҳамда Резидент тўғрисидаги маълумотларни кўргазмаларда, семинарларда ва расмий учрашувларда тарғиб қилиш;

5.1.4. Резидентнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, Резидент томонидан ишлаб чиқарилган ахборот технологиялари маҳсулотларини халқаро ярмаркаларда, кўргазмаларда намойиш этиш, шунингдек Резидентнинг республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган халқаро семинар, конференция ва бошқа тадбирларда иштирокини ташкил этиш;

5.1.5. Резидентнинг фаолияти тўғрисидаги ахборот ва таҳлилий материалларни ўз ваколатлари доирасида тайёрлаш ва нашр этиш;

5.1.6. Резидентнинг янги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда тарғиб қилишни ташкил этиш;

5.1.7. Ушбу Шартноманинг 4.1.4-банди билан белгиланган ажратмалар ўз вақтида тўланмаганлиги учун жарима шаклида, резидентга тўловни кечиктиришнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдоридеги, лекин тўланиши керак бўлган сумманинг 50% идан ошмаган миқдорда жарима солиш;

5.1.8. солиқ органларидан Резидентнинг солиқ ҳисоботларини олиш;

5.1.9. ўз ваколати доирасида алоҳида тузилган шартномалар асосида Резидентга кўшимча хизматлар кўрсатиш;

5.2. Дирекция қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **6. Дирекциянинг мажбуриятлари**

6.1. Ушбу Шартнома тузилгандан кейин уч иш куни мобайнида Дирекция қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

6.1.1. резидентларнинг Ягона реестрига Резидентни рўйхатга олинганлиги тўғрисида, унинг номи, Рўйхатга мувофиқ амалга оширадиган фаолият тури, почта ва электрон манзили кўрсатилган ҳолда, тегишли ёзувни киритиш;

6.1.2. Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш;

6.1.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Давлат божхона қўмитасига, юридик шахсга хизмат кўрсатадиган тижорат банкига юридик шахс Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида расмий билдиришнома юбориш.

6.2. Дирекция Резидент томонидан ўзгартирилган шаклда қайта ташкил этилганлиги ёки номи ўзгарганлиги тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида қуйидагиларни бажариши шарт:

6.2.1. резидентларнинг Ягона реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

6.2.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Давлат божхона қўмитасига, юридик шахсга хизмат кўрсатадиган тижорат банкига юридик шахс Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида расмий билдиришнома юбориш.

## **7. Резидентнинг солиқ ва божхона имтиёзлари, махсус валюта режими**

7.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 январдаги 17-сон қарорига мувофиқ Фармон билан берилган имтиёзларнинг амал қилиши Технопарк резидентларига ва уларнинг ходимларига татбиқ этилади, хусусан, Резидент 2028 йил 1 январгача бўлган муддатга:

7.1.1. барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек ижтимоий солиқни тўлашдан;

7.1.2. белгиланган тартибда тасдикланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилади.

7.2. Ушбу Шартноманинг 7.1-бандида назарда тутилган имтиёзлар:

7.2.1. солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича — юридик шахс резидентларнинг Ягона реестрига киритилган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан;

7.2.2. божхона тўловлари бўйича — божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасининг ижобий хулосаси олинган кундан бошлаб қўлланилади.

7.3. Резидент билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича ходимлар томонидан 2028 йил 1 январгача олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

7.3.1. 7,5 фоиз миқдордаги қатъий белгиланган ставка бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилади;

7.3.2. солиқ солиш мақсадида белгиланадиган жисмоний шахсларнинг умумий йиллик даромадлари ҳажмига киритилмайди.

## **8. Резидент мақомидан маҳрум қилиш тартиби**

8.1. Қуйидагилар Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилишнинг асоси ҳисобланади:

8.1.1. Технопарк резиденти амалдаги фаолиятининг Рўйхатда белгиланган фаолият турларига мувофиқ эмаслиги;

8.1.2. Дирекция билан тузилган Технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслиги;

8.1.3. Технопарк резидентининг ночор (банкрот) деб эътироф этилиши;

8.1.4. Технопарк резиденти резидент мақомидан ўз хоҳиши билан воз кечиши;

8.1.5. ўз фаолияти, солиқ ва статистика ҳисоботлари, бизнес-режа, шунингдек, аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тўғрисидаги маълумотлар белгиланган муддатларда тақдим этилмаганлиги ёки уларда ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлиги;

8.1.6. ушбу Шартноманинг 4.1.4-бандида белгиланган ажратмаларнинг тўланмаганлиги;

8.1.7. юридик шахс – Технопарк резиденти қайта ташкил этилган тақдирда, унинг ўзгартирилиши бундан мустаном;

8.1.8. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, солиқ ва божхона органларининг фаолияти бўйича Резидент томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш ёки қонунга хилоф равишда қўллаш имкониятларига зид равишда йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабардор бўлганини аниқланганда;

8.1.9. Резидент томонидан ушбу Шартномада белгиланган шартларни бузилиши;  
8.1.10. Қонунда, Низомда, Дирекциянинг қарорларида ва ушбу Шартномада назарда тутилган бошқа асослар.

8.2. Резидент Технопарк резиденти мақомидан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда, Дирекцияга резидент мақомини бекор қилиш тўғрисида ариза юборади. Дирекция аризани беш иш куни мобайнида кўриб чиқади.

8.3. Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилиш Дирекциянинг қарорига асосан амалга оширилади ва агар қарорда бошқа сана кўрсатилмаган бўлса, у қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8.4. Дирекция Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилингани тўғрисидаги ёзувни Резидентларнинг ягона реестрига киритган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида:

8.4.1. юридик шахс жойлашган жойдаги давлат солиқ ва божхона хизмати органларини;

8.4.2. юридик шахсга хизмат кўрсатадиган тижорат банкини;

8.4.3. Дирекция қароридан кўчирма билан юридик шахсни хабардор қилади.

8.5. Дирекциянинг Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарори кучга кирган кундан бошлаб, юридик шахс Фармонга мувофиқ унга берилган имтиёзлардан фойдаланишни тўхтатиши керак. Бундай ҳолда, юридик шахс қуйидаги имтиёзлардан:

8.5.1. солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича — Технопарк резиденти мақоми бекор қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан;

8.5.2. божхона тўловлари бўйича — резидент мақоми бекор қилинган кундан бошлаб фойдаланмайди.

## **9. Томонларнинг жавобгарлиги**

9.1. Технопарк резиденти мақоми бекор қилинганидан кейин, Фармонда назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш учун жавобгарликни, Технопарк резиденти мақомини йўқотишига сабаб бўлган асослардан қатъий назар мазкур юридик шахс ўз зиммасига олади.

9.2. Резидент Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўз ходимларининг иш ҳақи кўринишидаги даромадлари бўйича жисмоний шахснинг даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

9.3. Резидент Низомнинг 18-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда, Резидент томонидан фойдаланилган имтиёзлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига уларни тўлаш шарти билан мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади, бунда Резидент томонидан Дирекцияга тўланган ажратмалар қайта ҳисобланмайди ва қайтарилмайди.

9.4. Резидент томонидан ойлик ажратмаларни амалга оширилишида жами даромаднинг ҳақиқий миқдори яширилганлиги ва натижада, ушбу Шартноманинг 4.1.4-бандида назарда тутилган ажратмалар тўлиқ ҳажмда тўланмаганлиги учун, Резидент аниқланган фарқни аниқланган кундан бошлаб уч банк куни ичида тўлиқ

ҳисоблаш ва тўлаб бериш, шунингдек, Дирекциянинг талабига биноан ҳисобот даври давомида резидент томонидан тўланиши керак бўлган ажратма суммасининг 10% и миқдоридан жарима тўлаш мажбуриятини олади.

9.5. Жарима санкцияларини тўлаш айбдор томонни ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Ушбу Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **10. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

10.1. Ушбу Шартномани бажариш бўйича келиб чиқадиган барча тортишувлар ва келишмовчиликлар томонлар тарафидан музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

10.2. Агар келишувга эришилмаса, иш кўриб чиқиш учун Тошкент туманлараро иқтисодий судига юборилади.

10.3. Судда даъво очишдан олдида шикоятларнинг йўлланиши шарт бўлади. Шикоятни кўриб чиқиш муддати 30 кун қилиб белгиланади.

## **11. Форс-мажор**

11.1. Ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун, агар бажармаслик, сел тошқинлари, ёнғинлар, зилзилалар, ҳарбий ҳаракатлар, давлат органлари томонидан тақиқловчи далолатномаларни чиқариш ва шу каби бартараф этиб бўлмайдиган кучлар оқибатида юзага келган бўлса, томонларнинг ҳеч бири жавобгар ҳисобланмайди.

11.2. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қиладиган, форс-мажор ҳолатлари ҳақида улар юзага келган ва тугаган кундан бошлаб ўн кун ичида бир-бирларини хабардор қилишга мажбурдирлар. Бундай ҳолатда томонлардан ҳеч бири зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

11.3. Форс-мажор ҳолатлари келиб чиққанини маълум қилувчи томон уларни тасдиқлаш учун ваколатли давлат органининг ҳужжатини тақдим этиши шарт.

## **12. Шартноманинг амал қилиш муддати. Шартномани бекор қилиш шартлари**

12.1. Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-моддасига мувофиқ оммавий оферта ҳисобланади. Низомнинг 10-бандига мувофиқ Технопарк резиденти мақомини олиш учун веб-портал орқали ариза тақдим этиш, ушбу Шартнома шартлари билан розилиги (акцептом) ҳисобланади.

12.2. Ушбу Шартнома Технопарк резиденти резидентларининг Ягона реестрига киритилган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қиладди.

12.3. Резидент ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилганида, унинг ҳуқуқий ҳолати қайта ташкил этилган юридик шахсга давлат рўйхатидан ўтказилган кундан



бошлаб, барча ҳуқуқлари ва илгари қабул қилинган мажбуриятлари сақланиб қолган ҳолда ўтади.

### **13. Яқуний шартлар**

13.1. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қиладилар.

13.2. Резидент томонидан ушбу Шартноманинг акцепти унинг Фармон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг технологик паркини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 10 январдаги 17-сонли қарори, Дирекциянинг Низоми ва қарорлари билан танишганлигини англатади.

13.3. Томонлар ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни махфий деб билади ва уни бошқа томоннинг ёзма розилигисиз учинчи томонларга бермаслик мажбуриятини зиммасига олади.

13.4. Махфий маълумотларни, шу жумладан томонларнинг тижорат сирларини ошкор қилганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланади.

#### **Дирекциянинг банк реквизитлари ва манзили:**

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки дирекцияси” МЧЖ

**Банк:** АТ «Алокабанк» Бош амалиёт бўлими

**х/р:** 2020 8000 0009 6604 8001

**МФО:** 00401

**ИНН:** 305975326

**ОКЭД:** 63990

**Тел:** +99871 209-11-99